

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**



**“Ўрмончилик ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ” йўналиши
3-61 гуруҳ талабаси**

**Рамазонов Нуршод
«МАДАНИЙ ЎРМОНЛАР »ФАНИДАН**

КУРС ЛОЙИХАСИ

Мавзу: Қайрағоч ўрмонларини барпо қилиш технологияси.

Текширди: М.Холмуротов

ТОШКЕНТ-2015

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	3
1. Қайрағочнинг дендрологик тавсифи.....	4
2. Маданий ўрмон барпо этиш агротехникаси.....	6
2.1. Маданий ўрмон барпо этиш учун тупроқни экишга тайёрлаш.....	6
2.2. Маданий ўрмон барпо этиш учун кўчатларни экишга тайёрлаш.....	7
2.3. Маданий ўрмон барпо этилган майдонда парвариш ишлари.....	9
Хулоса.	12
Фойдаланилган адабиётлар.	12

КИРИШ

Ҳозирги вақтда жаҳон фан техника тараққиёти жадал ривожланиши муносабат билан табиий захираларидан хўжалик мақсадларида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Бунинг устига, дунё аҳолиси йилдан-йилга ўсиб бориб, кўпроқ миқдорда озиқ овқат, ёқилғи, кийим кечак ва бошқа нарсаларни ишлаб чиқариш талаб қилинмоқда. Бу эса ўрмонлар эгаллаб турган майдонларнинг жадал суръатларда қисқаришига, чўл саҳроларни бостириб келишига, тупроқнинг бузилишига, атмосферанинг юқорида жойлашган озон тусиғи камайиб кетишига, ер ҳавосининг ўртача ҳарорати ортиб боришига ва бошқа ҳолатларга сабаб бўлмоқда (И.Каримов).

Ана шундай улкан ишлардан бири воҳанинг шўрхок ер майдонларида ҳар хил тудаги ўрмон дарахтзорлари барпо этишидир. Бу ишларни амалга оширишдан олдин албатта, ўсимлик тупроқда бемалол ривожлана оладиган бўлиши зарур. Чунки тупроқнинг илдизлари тарқалиб ўсадиган қаватидаги сувда эримайдиган ортикча тузлар дарахтларнинг ўсишига ҳалақит беради. Минерал ва органик ўғитларнинг фойдали таъсирини камайтиради.

Ерларнинг шўрланишини бартараф қилиш учун ҳар қандай гидрогеологик, гидрологик, биологик ва метрологик шароитларни зарур томонга қаратиб ўзгартиришга имкон берадиган тадбирлар комплексини амалга ошириш зарур. Булардан бири тупроқнинг шўрланиши жараёнига қараб дарахт турларини тўғри танлаш ва ўз вақтида экишдан иборатдир. Бу борада барча жамоа ширкат хўжаликларида, фермер хўжаликларида ихота дарахтзорларинингмелиорация ва ихота қилиш ролини ошириш, тупроқ унумдорлигини ва шўрхок ерларда дарахтлар ташкил этиш йўли билан шароит яратишдан иборатдир. Қарийб ҳар йили Ўзбекистоннинг суғориладиган ва лалмикор ер майдонларидаги қишлоқ хўжалиги экинлари гармсел таъсиридан зарар кўради. Ёзнинг жазирамасидан ва мамлакатимизнинг шимолий ўлкаларида совуқ шамолларнинг узлуксиз йўналишидан ердан нам сизот сувининг ер юзасида жойланишидан ернинг юза қисмида тақирли шўрхок кўриниш пайдо бўлади. Ана шундай салбий ҳодисаларнинг олдини олишнинг асосий усулларида бири бу қишлоқ хўжалиги экинзорлари ўрмон ҳимоя дарахтзорлари барпо этишдан иборатдир.

Шўрланган ерларда дарахтзорларнинг турларини тўғри йўналтириш. Шу билан бирга бу ерларнинг шароитига мос агротехник тадбирларини мукаммал равишда амалга ошириш лозим. Масалан, 1995 йил сентябр ойида ўтказилган Ўрта Осиё давлатлари иштирокидаги Орол денгизи ҳавзаларини барқарор ривожлантириш. “Нукус дендрологияси” 1996 йилнинг октябр ойида Тошкентда Европада хавфсизлик ташкилотининг “Орол денгизи” хавзасида атроф муҳитни барқарор ривожлантиришга кўмаклашиш мавзуларида ва шунингдек, 2001 йил март ойида Республикада кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш каби тадбирлари мамлакатда ёғочбоп манзарали, ҳимоя ва шифобахш мевали дарахтзорлар барпо қилишга қаратилган эди. Юқоридадек қарор ва даъватлардан ва Ўзбекистон

Республикаси Олий Кенгашининг 1999 йил навбатдаги сессиясидаги қабул қилинган “Ўрмон тўғрисида” ги ҳужжатларида мамлакат ҳудудида ўрмонларни сақлаш, уларни ҳимоя қилиш кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги экинлари атрофида ихота дарахтлари барпо этиш, тоғ ёнбағирларида кўшимча терассалар қилиш шунингдек, халқ хўжалигини ёғоч маҳсулотига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида ёғочбоп дарахтзорлар плантациясини барпо этиш масалалари илгарилган.

Айниқса, тупроқ эрозияси, кум кўчатлари ва селларнинг олдини олишда янги ўрмонзорлар барпо этишда ҳимоя қилиш ишлари йўналишида Орол муаммосини ҳал этишда катта ишлар амалга оширилмоқда. Халқимиз меҳнаткашлари Қорақалпоқ даштларида шунингдек, воҳанинг ўртача шўрланган ер майдонларида ҳар хил турдан ёғочбоп ва шифобахш мевали дарахтзорлар барпо қилишга киришдилар. Ушбу барпо этилган жийдазорлар, саксавулзорлар, гледичия, қайрағоч нафақат ёғоч ва мева олиш учун балким оғир шароитда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинзорлари ҳосилини ҳар хил шамол йўналишидан гармселлардан ва тупроқда мавжуд бўлган намликни бевосита парланиб кетишини тўлиқ олдини олади.

Демак, тупроқдаги намликни буғланиб кетиши камаяр экан, унда капиляр найлар сақланиши тупроқнинг холозлиги ва ундаги ҳайвонот оламининг яшаш шароити яхшиланиб борди.

Шунинг учун ҳам бизнинг курс лойиҳамиз ва ана шундай долзарб муаммони ҳал этишда ва уни яхшиланиб боришда биров бўлсада, ўрмонзорлар барпо этадиган чўл минтақаларига яқиндан ёрдам берадиган дастури амал бўлади деб ишонамиз.

1.Қайрағочнинг дендрологик тавсифи.

Бу туркумнинг вакиллари дарахт, баъзан бута, пўстлоғи чуқур ёғилган, кўнғир ранг бўлиб, айрим турларида у ажралиб тўкилиб туради. Новдаси баъзан тукли, баъзан туксиз бўлади. Куртаклари новдада қия жойлашади. Симподиал типда шохланади, новдаси бўғимли. Барглари икки қатор бўлиб, навбат билан жойлашган. Улар оддий тузилган, кузда тўкилиб кетади. Кўпчилик турларда барг пластинкасининг чети титилган, айрим турларида учки қисми бўлакли ёки йирик тишчали.

Қайроғоч барг ёзишдан олдин гуллайди, шамол ёрдамида чангланади. Гуллари ўтган йилли наваларини ён куртакларидан чангланади. Гуллари икки жинсли. Меваси май ёки июнь ойининг бошларида етилади. У ясси ёнғоқча бўлиб, пардасимон қанотчаси бор, эндоспермасиз, униб чиқиш хусусиятини тез йўқотади. Илдиз ўқ илдиз бўлиб, дастлабки йилларда яхши ривожланмайди, сўнг тез ривожланиб ергачуқур киради ва бақувват илдиз системасини ҳосил қилади. Қайроғоч тўнкасидан яхши кўкаради. Айрим турлари илдизидан бачкилайди. Ёғочи ўзакли, қаттиқ пишиқ, эгилувчан бўлиб, яхши ёрилмайди. У дурадгорликда, машинасозликда кўп ишлатилади. Яхши ўтин ҳисобланади.

Қайроғоч турлари Кавказ ва Қримнинг ўрмон ва ўрмон-дашт зоналарида тарқалган. Айрим турлари водийларда унумдор тупроқли ерларда ўсади. Қурғоқчиликка чидамли. М.Д.Х. нинг Европа қисмидаги чўлларга ҳам кўп тури экилган. Уларнинг айримлари бу шароитда тез ўсади. Катта ёшга киргач секин ўса бошлайди, касалланади ва тез қуриб қолади. Ботаника боғида 13 тури ўстирилади. Қуйида айрим турлари устида тўхталиб ўтамыз.

Қайроғоч майдабаргли – *Ulmus pinnatoramosa*.

Дарахт бўлиб, бўйи 15-16 м га, диаметри 60-70 см гача бўлади. Танаси сершоҳ бўлиб, шарсимон шох-шабба хосил қилади. Новдалари қўнғир – қизил хира рангда, айрим шакилларида қизил – сарғиш рангда. Танаси ва новдасининг пўстлоғи бўйича ва кўкдалангида ёрилган, пўкакли ўсиқлари бор, туксиз ёки тукли, ёш ғадир-будир бўлади. Новдаси инкичка калта бўлиб, майда куртаклари кўп, масалан бўйи 5 см ли новдасида 7-8 тагача куртак бўлиши мумкин. Улар тухумсимон ёки авал шаклда, бўйи 1.5-4 мм. Тангачалари қорамтир, қизил – қўнғир рангда, чети текис, туксиз ялтироқ, кул ранг тусли. Барглари оддий тузилган, кенг ланцетсимон, ён томонлари нотекс ўткир учли, туби юраксимон, чети икки қатор тишчали. Юз томони тўқ яшил туксиз, силлиқ ёки ғадир-будир, орқа томони сўғалли бўлади. Пластинкасининг бўйи 10 см, эни 6 см га яқин. Барг банди ингичка бўлиб, туксиз ёки тукли, бўйи 1 см.

Бу қайроғочнинг сарғиш, қаттиқ, оғир ўзаги қўнғир рангда. Ундан қурилишда ва дурадгорликда ҳамда ўтин сифатида фойдаланилади. Пўстлоғи терини ошлаш учун ишлатилади. У асосан Европада ўсади, унинг хар хил шох-шаббалари тури ўсади. Бу турлари Ўрта Осиё республикаларида ҳам кўп экилади. Далақайроғоч қурғоқчиликка ва иссиққа чидамли, уни кўча ва паркларга экиш тавсия этилади.

Садақайроғоч – *Ulmus densa*.

Катта дарахт шох-шаббаси кенг, қалин, пирамида шаклида. Пўстлоғи ёрилган, қора рангда. Барглари қалин, чўзинчоқ, тухимсимон, чети икки қатор тишчали. Бу қайроғоч Ўрта Осиёда тоғ дарёлари водийсида ўсади. У боғларда катта ариқлар бўйида экилади. Қурғоқчиликка чидамли. М.Д.Х.ни Европа қисмининг жанубий районларига ҳам экиш мумкин. (Лесная энциклопедия, Том-2 1986)

2. Маданий ўрмон барпо этиш агротехникаси

2.1. Маданий ўрмон барпо этиш учун тупроқни экишга тайёрлаш

Тупроққа ишлов беришдан асосий мақсад тупроқнинг зичланган юқори қатламини сифатли ер майдонларига кўчат экишга тайёрлашдан иборатдир. Тупроқда намликни меъёрида тўпланиши ва унинг узок вақт сақланиши ҳамда ўсимликларнинг тупроқ таркибидаги озук ва моддалардан оқилона фойдаланиши ер майдонларини тайёрлашга ва унинг технологиясига боғлиқдир. Бу айниқса, кучли ва ўртача шамол эсувчи шунингдек, яримсел ҳароратли эсувчи ҳудудларга ҳам боғлиқ. Тупроқни тайёрлашнинг яна бир хусусияти ундаги бегона ўтларни йўқотиб яхшилаб чуқур ҳайдаб ерларни шудгор ҳолатида сақлашдир. Тупроқ, юмшатиладиганда дарахтларнинг сўрувчи илдизлари ва қолган илдиз тизимлари яхши ривожланади ва тупроқдаги фойдали микроорганизмлар фаолияти учун қулай шароит яратади.

Тупроқ ва атмосфера ҳавосининг алмашинувчи тезлашади. Намлик бемалол кўп сақланади, тупроқ таркибининг озук ва меъёрида бўлади, бегона ўт-ўланлар уруғи, зараркунандалар тухуми ва личинкалари ҳамда турли касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар тупроқнинг чуқур қатламига тушириб юборилади. Агар ер , тупроқ ағдариб ҳайдалмаса, ер қатламининг остки қисмида ҳаво кирмайдиган ноқулай шароит пайдо бўлиб, ўсимлик учун қийин ўзлаштириладиган озук ва элементлар ортади. Айниқса, нитрат тузлари камайиб тупроқнинг ҳолатига, мақсадига шароитига қараб белгиланади ва тупроқни ҳайдаб чуқурлиги ҳам турлича бўлади. Тупроқни ялпи тайёрлаш, уларни асосан текис майдонларида қўлланилади.

Тупроқни тайёрлашнинг ҳар хил усуллари бор:

- бароварига бароналаб эрта кўкламда ҳайдаб эрта баҳорги ва кузги шудгорлаш. Ер майдонлари ўртача 15-30 см чуқурликгача, чуқур ҳайдашда 30-40 см гача ва плантажда ҳайдашда 50 см ва ундан ҳам чуқурроқ ҳайдаш мумкин. Келгуси йилнинг эрта баҳорида 8-12 см чуқурликда икки қаторли барона (ЗТЗС-12) билан тупроқ юмшатилиб, кўчат экишга тупроқ тайёрлаб қўйилади.

Маданий ўрмонлар учун тупроққа ишлов бериш майдон хусусияти ва ҳолати билан белгиланади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиққан суғориладиган ерларда кузги шудгорлаш тизими бўйича ПЛН-40 (ДТ-75 тракторларига тиркалган) плуги билан 30-40 см чуқурликда бажарилади. Ўзбекистоннинг шимолий ҳудудларида кузги шудгорнинг энг яхши муддати октябрнинг иккинчи ярмидан ойнинг охиригача, жанубий қисмида эса барқарор совуқ бошлангунча тупроққа ишлов беришда кўпинча унинг таркибига ҳам эътибор қаратилади. Тақир тупроқларда 0,4-1,3% гача чиринди мавжуд. Азот кам учрайди. 0,002-0,5%, фосфор 1,5% ва калий тузи 2% гача мавжуд бўлади. Суғориладиган тақир тупроқларда унга солинадиган ўғит ҳисобига азот ва фосфор миқдори нисбатан кўпроқ.

Дарахт илдизлари гилс горизонтига бориб қадалмаслиги ва чуқурга кетиши учун тупроқда плантажли плугларида 80 см чуқурликда ҳайдаб

тупроқни юмшатишни тавсия этилади. Агар тупроқда шўрхок ерлар мавжуд бўлса, аввало шўр ювиш ишлари ўтказиб олинади.

Кам шўрланган тупроқда шўрхок 1500-1800 ўртача шўрланган ерларда 1800-2300 ва кучли шўрланган ерларда 3600-6000 куб метр га тенг бўлади. Агар ёғингарчилик миқдори кам бўлса, енгил тупроқларда 1000-1200 куб метр га ўртача тупроқларда 1200-1500 ва оғир тупроқларда 1300-2000 куб метр га миқдорда кам сув берилиб кейин экилади.

Ер майдонларини тайёрлашда ПЛН-3-35 осмали 3 корпусли плугда ер 30 см чуқурликкача 105 см кенгликда ҳайдаб тайёрлашда “Беларус” ёки МТЗ-80, ДТ-75 га тиркалади. ПН-2-3 осмали 2 корпусли плуг кичик ер майдонларида ерларни тайёрлашга режалаштирилган 60 см кенгликда 35 см чуқурликда ишлов беришга мослашган.

Юқоридаги ерни тайёрлаб бўлгандан сўнг ер майдонларида сув ҳарорати ёки ариқлардан сув юра олиши, сув оқими тўхтаб қолмаслиги керак. Юқоридаги ишлар тўлиқ бажарилиб борилса, маҳсулдорлиги юқори тупроқлар пайдо бўлади.

2.2. Маданий ўрмон барпо этиш учун кўчатларни экишга тайёрлаш

Қайрағоч уруғидан ҳам тез кўпаядиган дарахт ҳисобланади. Унинг уруғини тез пишиб етилиши 40 50 кунгача об ҳаво шароитига ва қаерда ўсиб ривожланаётганлигига боғлиқ.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда ўсиб ривожланаётган қайрағоч уруғи апрел ойининг биринчи ўн кунлигида намоён бўлади. Бунда 1000 дона уруғ оғирлиги 7,5 гр ни ташкил этади. Унинг уруғи пишиб етилгандан сўнг дарахт шохида кўп турмайди. Шунинг учун дарахт остига тезда брезент ёки бошқа нарса тўшаб қўйилади ва уруғи териб олинади. Унинг терилган уруғини кўп сақлаб бўлмайди, терилган заҳотиёқ 2 3 кун нам қумга солиб аралаштириб қўйилади. Сўнгра уруғ сепилади. Уруғни жуда чуқур сепиб бўлмайди, чунки у жуда нозик, бор йўғи 0,5 1,0 см чуқурликда уни юза қисмида тупроқ бўлади. Қайрағоч уруғи 12 15 см чуқурликда олинган саёз эгатларга ҳар метрига 4 5 гр ҳисобидан экилади. Уруғ униб майсалар кўкариб чекканча эгат маркази доимо ширинам бўлиб туриши лозим. Шунинг учун ҳам марза устини куруқ самон ёки гўнг билан қоплаб қўйиш зарур бўлади. Қайрағоч майсаси кўкариб чиққандан сўнг уни вақти вақти билан суғориб, бегона ўтлардан тозалаб, чопиқ ишларини ўтказиб туриш зарур. Бундай барпо этилган қайрағоч ниҳолларини кўчатзорга ўтказиш бир ёшга киргандан бошлаб ўтказилади. Агар бу ёш ниҳоллар ўта заиф бўлса, у ҳолда икки ёшга кирганда кузатиб, кўчириб ўтказилади. Шўрхок ерларда дарахт ёки бута ўсимликларининг кўчати ёки уруғидан униб чиққан ниҳолчаси экилади.

Бундай шароитда дарахт уруғини экиш тавсия этилмайди. Уруғидан униб чиққан ниҳол орасини 2,5 3 мдан қатордаги туб орасини эса баъзан 0,5 80 см дан қилиб экилади. Ниҳолчалар мана шундай оралиқ билан жойлаштирилганда уларнинг шох шаббаси уч тўрт йилдан кейин бир бири

билан туташади ва химоя вазифасини бажаради. Мевали ва ўрмон дарахтларини аралаш экишда асосий дарахтлар оралиғини кенгроқ қилиб унга бута ўсимликлар экишда кузда тутилади, бунда мевали дарахтлар кенг шох шабба ёзиб ўсади. Кўчатни ўтказиш усули ҳар бир жойнинг тупроқ мелиоратив шароитига қараб турлича бўлиши мумкин. Бу эса эгатларнинг эни юқоридан 70 100 см, тубидан 20 30 см, чуқурлиги 20 40 см дан иборат бўлади. Дарахт кўчати шу эгатнинг тубига ёки нишабнинг қуйи қисмига экилади. Кўчатни эгатнинг марказига экиш ярамайди. Чунки бундай марказларда кейинчалик туз йиғилиб қолади. Сувли ва сувсиз ерларда дарахтларни асосан октябр ойида экилади, чунки август сентябр ойларида илдизлари ўсишдан тўхтайдди. Тупроқнинг иссиқлик ҳарорати экиш даврида 4 5 ° бўлса, етарли бундан ташқари кузги экиш даврида тупроқдаги намлик 20 25 см чуқурликда бўлиши шарт. Чунки экилган кўчатларни илдизлар ёғингарчилик тушгунча қадар очилиб қолмаслиги керак.

Баҳорги экиладиган кўчатлар ўсимликнинг илдизларини ўсиш ҳаракатига ва новдаларда куртак пайдо бўлиш даврига тўғри келиб тупроқнинг намлик даражаси етарли бўлиб экилган кўчатлар беҳато кўкаради. Шунинг учун Республикамизда экиладиган манзарали ва мевали кўчатларнинг 60 80 фоизи баҳорда экилса, сақланиши даражаси юқори бўлади. Кўчатни экишда бир ва икки агрегатли ЛПА 1,2 техникасидан фойдаланилади.

Ўрта Осиё илмий текшириш ўрмончилик институтининг тажрибаларига қараганда қайрағочни илдиз отган новдачаси билан ҳам кўкартириш мумкин. Бунинг учун соғлом, катта қайрағоч дарахти танланади. Кўкламда март ва апрел ойининг бошларида 10 12 см узунликда 0,5 см дан 1,2 2,0 см гача йўғонликда қаламчалар кесиб олиниб дархол экилади. Майда ёки ингичка қаламчага нисбатан йўғонлироғини ўсиб кетиши яхши самара беради. Қаламчаларни тайёрлашда, ташиб олиб келишда ва сақлашда уларни бир йилдан сўнг қовлаб олинадиган бўлса, яъни бир ёшли кўчатлар ораси қаторда 70 см дан иборат схемада экилади. Бунда 1 гектарда 95381 дона кўчат жойлашади.

Биз қайрағоч дарахтзорларини барпо этишимиз муносабати билан экиш схемамиз 3,0 2,0 схемадан иборат бўлади, бунда 1 гектарда 1666 дона кўчат жойлашади.

2.3. Маданий ўрмон барпо этилган майдонда парваришlash ишлари

Кўчатлар экиладиган ватдан сўнг албатта, парваришга мухтож бўлади. Уларнинг қаторида ва қатор орасида култивация ишларини юрдириш, бегона ўтлардан тозалаш ўз вақтида суғориш шунингдек, органик ва минерал ўғитлар беришдан иборатдир. Экилган ва ўсиб ривожланаётган кўчатларни пастки ва ён шохларидан тозалаш сингари ва касалланган шохларни кўчатларни олиб ташлаш. Кўчатлар орасида ишлов беришда (Ўрмон хўжалиги конструкцияси) культиваторлар КГ- 1,5 осма плуглар ПН -3 - 30 ва ПН -3 - 35 агрегатларни КА -35 Т -50В, МТЗ -80, ДТ- 75 тракторларига тиркаб иш олиб кўчатлар орасига қўшимча экиш иккинчи ва учинчи йилларнинг баҳор фаслида олиб борилади. Юқоридаги агротехник тадбирлар ўз вақтида олиб борилганда кўчатларни ўсиб ривожланиши янада яхшиланади. Дарахтларни таксацияга оид барча кўрсаткичлари бўйича ўсиб ривожланиши кўтарилади. Барпо этилган ўрмонзорларнинг сақланиб қолишини кўрсаткичлари бугунги кунда 10 - 12 ёшли экинзорларда 95% ни ташкил этади. Уларда жорий ва ўртача ўсиш диаметри ва баландлиги бўйича яхши кўрсаткичга эга. Ушбу ўзгаришларнинг натижаси кўчатлар орасида ўз вақтида олиб борилган агротехник тадбирлар натижасидир.

Суғоришни бажаришга суғориш меъёри 800 -900 м³ га намлиги камроқ, тупроқларда эса 400 - 300 м³ га дан иборат бўлади. Суғориш ишлари тупроқни юмшатиш билан биргаликда олиб борилади. Тупроқни юмшатиш ишлари ўрмон ўсимликлари майдонига ва унинг шароитига қараб йиллар бўйича қуйидагича тарзда тақсимланади. Экиннинг биринчи йили 4 - 5 маротабагача, иккинчи йили 3 - 4, учинчи йили 2 -3 ва 4 - 5 йилларда 1- 2 маротабагача бажарилади. Қатор оралашда култивация юритиш, синган шох шаббаларни олиб ташлаш, ўз вақтида махаллий ўғитлар бериш ва ҳаказо қатор ораларини юмшатишда КРТ 3 КЛ 2, УК 3 каби культиваторлардан ва суғориш ариқларини ПРВМ 3 агрегатларидан фойдаланилади.

Қатор ораларига ишлов бериш. Сунъий усулда дарахтзорлар барпо этишда қатор ораларига ишлов бериш агротехник тадбирлардан бири ҳисобланади. Бу иш айниқса, кўчатларнинг кўкариши, сақланиши ва биринчи иккинчи йилда ривожланишига ёрдам беради. Бизнинг ишимизда ҳам тўлиқ қаторлар ораларига ишлов беришдан асосий маъсад унинг физик масалаларни, намлик ва иссиқлик режимини, тупроқ таркибида қўшимча минерал озуқа моддалар пайдо бўлишида ва унинг таркибини бегона ўтлардан тозалашга қаратилгандир.

Қатор ораларига ишлов беришда биринчи навбатда барча ишлар республикамизнинг минтақаларида сув танқислигини эътиборга олган ҳолда намликнинг тўпланишида ва сақланишига йўналтирилган бўлиши керак. Қатор ораларига ишлов беришда ер майдонларини ялпи тайёрлаш асосан текис майдонларда қияликлар нишаби 5⁰ да эрта баҳор бараварига бараналаб ҳайдаш эрта баҳор ва кузги шудгорлаш ишлари ер майдонлари ўртача 15- 30 см чуқурликда ҳайдалади. Чуқур ҳайдашда 30 - 40 см ва плантаж ҳайдашда 50 см ҳайдаш тушунилади. Ёз фаслида қатор оралари 2 - 3 марта культиватор

ёрдамида юмшатилади, кўкламда эса 353 ст 1,0 ёки 35 ТУ- 1,0 бароналари билан тупроққа ишлов берилади. Ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиладиган сувли ва сувсиз ерлардаги тупроқларга ишлов беришда қора шудгор усули энг қулай ва самарадор усули бўлиб ҳисобланади. Ўт ўсимликлари сунъий чиқиши билан ер кузда оғдарма плуг билан 28 - 35 см чуқурликда ҳайдалиб, эрта баҳорда темир тишли барона билан юмшатилади. Эрта баҳордан то кеч кузга қадар ерда ўтлар пайдо бўлишига қараб 3- 4 см маротаба 15 - 18 см чуқурликда юмшатилади ва ишлов берилади. Кузда эса ағдармасиз плуг билан тупроқ 35 - 40 см чуқурликкача юмшатиб ер майдонлари экишга тайёрланади.

Қумли ерларда шунингдек янги ўзлаштирилган ерларда суғориш бир оз кўпаяди ва 12 - 13 маротабага етади. Айниқса, ёзнинг иссиқ жазирамаси июн июл ойларида кўпроқ суғориш ишлари кўпроқ бажарилади. Суғориш ишларининг орасида ерлар холоз бўлганда қатлами культеваторлар билан юмшатилади. Экилган кўчатларнинг таги биринчи йили 5, иккинчи йили 4, учинчи йили 3 маротабадан юмшатилади, юмшатиш чуқурлиги биринчи йили 12 - 15 см кейинчалик 8 10 см атрофида ишлов берилади. Қаторлар орасидан ўсиб чиққан ҳар хил бегона ўтларни йўқотишда ва қатор ораларини юмшатишда КРТ- 3, КЛ -2,6, 4К -3 каби культеваторлардан қаторлардан плугли масламалардан ПРВМ -3, КЛ- 2,6 кабилардан фойдаланилади. Кўчатларга сув келиши керак бўлган ариқларни ПРВМ- 3 билан тайёрлаш зарур. Қатор ораларига ишлов беришда қўшимча ишлаш, бароналаш, катта кесакларни майдалаш ҳар хил агрегатларда бажарилади. Дискалар ёрдамида юмшатиш учун БДМ -3, БДТ -3 каби бароналар, малалаш учун эса 3Б -3С 1,0 ғилдиракли юмшатгич ишлатилади. Тупроқ эса ПРП 3, 40 А плуг ёрдамида ҳайдалади. Агар биз юқорида қайд этилган агрегатлар ёрдамида ўз вақтида қатор ораларига ишлов берилса, экилган дарахт ва бута кўчатлари ўз вақтида ривожланади. Экилган дарахтларни ривожлантириш қишлоқ хўжалиги учун бирга олиб борилади. Тупроқ асосан, 35 - 40 см чуқурликда кузги шудгорлаш ишлари бажарилади. Ер ости сизот сувлари яқин ва шағал жойларда ерни ҳайдаш ишлари уларнинг жойлашган чуқурликларигача амалга оширилади.

Ерни шудгорлашнинг асосий даври 15 декабгача ноябрнинг бошларида бошланади. Кузги шудгорлаш учун ёки икки ярусли ПР -4 -35 ёки ПЛН -40 каби плуглар билан 35 - 40 см чуқурликкача ҳайдалади. Беда поялар кўп йиллик ўтлар банд бўлган майдонларни ҳайдашда икки корпусли плугга плуг олди мосламасини 5 - 6 см чуқурликка қўйилади.

Минерал ўғитлар бериш. Ўғит бериш хажми ва вақти тупроқ унумдорлигига уларнинг физик ва кимёвий хоссаларига қараб аниқланади.

Тупроқларнинг озуқа моддалари билан таъминланиш даражасини тупроқдаги озуқа моддаларининг миқдorigа кислоталар ва микроэлементларнинг аҳволига қараб аниқланади. Тупроқ таркибидаги чиринди миқдорини

- 1,6 - 2,0 % ни NO_3 миқдори
- 3,1 – 4,0 % ни P_2O_3 миқдори
- 6,2 – 8,0 % ни K_2O миқдори

4,2 – 7,0 % ни ташкил этади.

Минерал ўғитлар ҳайдалган тупроқни тўлдириш ҳамда ўсимликлар учун кўшимча озуқа сифатида ишлатилади. Фосфорли ўғитларни эса асосан 50 70 фоизи кузги ерга ишлов бериш, яъни ҳайдаш вақтида қолган қисми эса кўкламги культивация даврида берилади. Манзарали боғдорчилик бўйича илмий изланишлар ва амалиётлар шуни кўрсатадики, ўсимликлар унумдорлигининг юқори даражасига ва минерал ўғитларни кенг қўлланганда эришилади.

Азотли ўғитлар мамлакатимизнинг табиий иқтисодий ҳудудларидаги барча кишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Азот оксиллар синтези учун ҳар қандай организм ҳаёт фаолияти асоси учун қўлланилади. Ўсиш ва ривожланиш янги барглар, илдиз, гуллар, мевалар ва бошқа органлар ҳосил бўлиши ўсимликка азотнинг етарли солинганига боғлиқдир.

Аммиакли селитра ўсимликлар томонидан яхши ўзлаштирилади ва турли тупроқда турли нав ўсимликларнинг ўсиши ривожланиши ва ҳосилдорлигига тез таъсир кўрсатади. Аммиакли селитра барча нав ўсимликларга турли усулларда солинади.

Фосфорли ўғитлар ўсимликлар ҳаётида катта роль ўйнайди, фосфорли ўғитлар барча навларга ва барча тупроққа зарур бўлади. Уни экин экилаётганда ва озиклантиришда сепилади, чунки фосфор тупроқда осон ушланиб қолади, сувда эса ювилмайди. Ўсимликлар тупроқ гуллаш ва мева тутиш вақтида фосфорга эҳтиёж сезадилар.

Оддий суперфосфат сувда яхши эрийди ва ўсимликлар томонидан яхши ўзлаштирилади. Донадор суперфосфатнинг таъсири энг самаралидир. Иккиламчи суперфосфат концентратланган фосфорли ўғит ва барча тупроқ ва навлар учун яроқлидир.

Калийли ўғитлар ўсимликнинг тез ўсишига ўсимликда озик моддалар ҳаракатига совуқ ва замбурғли касалликлар ва бошқа ёқимсиз шароитларга. Чидамлилиқнинг ошишига ёрдам беради.

Кальций хлор кўп тарқалган ўғит, таркибида хлор мавжуд бўлган барча ўғитнинг экилиши анча олдин бажарилган яъни экилган ерга сепиш мақуллироқ.

Кўкаламзорлаштириш майдонларида қуйидагича нормалар минерал ўғитлар берилиб борилади.

Азотли селитра 95 -105 кг/ га

Фосфорли 100 -190 кг/ га

Калийли 65 -85 кг/ га

Фосфорли ўғитлар вегетация даврининг иккинчи маротабасида бир маротаба берилади. Дарахтлар танаси атрофига қуруқ озуқа ёмғир ёққандан сўнг озуқалар ҳар доим дарахт танасидан 0,3 - 0,5 м узоқ масофадан берилади.

Агар бундан яқин масофада берилса, дарахт танасини қуйдириш мумкин бу эса яхши натижага олиб келмайди.

Хулоса.

Бугунги экологик оғир жараёнлар кетаётган бир вақтда, яъни планетада ҳаво оқимининг таъсири бўлаётган вақтида уни олдини олиш ҳаво таркибини доимо тоза тутиш муоммасини ҳал этишни йўлларидан бири бу, ер юзида яшил ўсимлик дунёсининг майдонларининг кўпайтириш зарур бўлади. Шунинг учун ҳам биз ўз ишимизда узоқ Қорақалпоқ даштлари қайрағоч дарахтзорлари барпо этишни илгари сурмоқдамиз. Чунки ушбу қайрағоч шўрхок ер майдонларида бемалол ўса олади. Иссиқ ва совуққа чидамли япроқ баргли дарахт. Биз ундан қишлоқ хўжалиги экинзорлари автомобил йўллари атрофида ҳимоя дарахтзорлари барпо этишда ҳам кенг фойдаланилади. Курс ишида биз унинг экиш схемаларини ва унга дендрологик таснифномалар ҳам бериб ўтдик.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида” Тошкент “Ўзбекистон” 1997 й.
2. Б.В.Гроздов “Дендрология”. Москва 1960 г
3. Легостаев “Шўр ерлар мелиорацияси”. Тошкент 1960 й.
4. Никитин С.А. “Деревесная и кустарниковая растительность путынь ” изд-во наука 1966 г
5. Озалин Г.П. Шамсиев К.Ш “Интрадукция ит вирашивание бистрорастуших пород в Узбекистане” Тошкент 1969
6. Ровский В.М. “Лесные породы в Узбекистане” Ташкент 1960 г
7. Степинский «Интродукция и выращивание» Ташкент 1969 г
8. Кумзуллаев Г.К. «разбитие корневых систем древесни пород» Ташкент 1971 г
9. Фузайлов «Деревесные породы Узбекистана» Ташкент 1983 г
10. Хоназаров А.А. «Ўзбекистонда урмонзорлар барпо килиш асослари» Тошкент 2002 й.
11. Хоназаров А.А., Г.К. Кумзуллаев «Ихота дарахтзорлари ва дехкончилик» Тошкент 2002 й.
12. Яскина Л.В. Дендрология Ташкент Укитувчи 1980 г стр 128-130
13. Интернет сайдлари
[www. websad. ru/fotobase.php](http://www.websad.ru/fotobase.php)
www. otvet. mail. ru/question/14464800
www. /chernomorsk. narod. ru
www. vestsroi. ru